

# ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Камилов Дилшод*

Жizzах политехника институти  
“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси ПХД  
Узақова Хонзода

Жizzах политехника институти  
“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси  
студенти

**Аннотация:** Мақолада инновация ва инновацион жараён тушунчалари ифодаланган. Худудларда инновацион салоҳиятини ривожлантириши учун давлат томонидан амалга оширалаётган чора-тадбирлар, жумладан Жizzах маҳсус индустриал зонанинг иқтисодий фаолияти ёритилган.

**Калим сўзлар:** инновация, миллий инновация тизими, инновацион салоҳият, инновация жараёнлари, миллий рақобатбардошлиқ, маҳсус индустриал зона, ишилаб чиқарии, ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиши.

**Abstract:** The article describes the concepts of innovation and innovation process. The measures implemented by the state to develop the innovative potential of the regions, including the economic activity of the Jizzakh special industrial zone, are highlighted.

**Key words:** innovation, national innovation system, innovation potential, innovation processes, national competitiveness, special industrial zone, production, effective use of resource potential.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган. Бу борадаги

вазифанинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикасининг Президенти<sup>1</sup> ҳам алоҳида кўрсатиб берди “Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Бу борада таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификациялаш ва барқарор ривожланиши учун хусусий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи самарали тизимни яратиш мазкур йўналишнинг асосий мақсади бўлиб хисобланади (1-жадвал).

## **1-жадвал**

### **Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган чет эл инвестициялари улушкининг ўзгариши<sup>2</sup>,**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>018</b>	<b>2018 - 2014 йилга нисб. ўзгариш (+,-)</b>
<b>Жами</b>	млрд.сўм.	6940,8	8309,5	10611,4	17146,5	30154,8	,214
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик</b>	млрд.сўм.	157,5	64,8	171,8	189,8	623,5	6
Тоғ-кон саноати	млрд.сўм.	3648,8	4350,9	3296,6	9735,5	7452,0	803
Ишлаб чиқариладиган саноат	млрд.сўм.	589,6	469,6	2905,4	2533,5	6003,9	414

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.Lex.uz.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш	млрд.сў м.	541,0	1119,1	1306,4	391,1	10546, 4	,005
Сув, канализация тизими	млрд.сў м.	144,6	144,1	318,8	277,4	855,7	1,1
Курилиш	млрд.сў м.	24,4	64,1	6,2	12,1	91,4	
Улгуржи ва чакана савдо	млрд.сў м.	41,2	59,1	113,9	68,4	615,2	4
Ташиш, сақлаш	млрд.сў м.	1011,7	1088,0	1390,9	1463,8	1654,0	2,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	млрд.сў м.	60,7	34,4	3,5	23,7	8,2	2,5
Ахборот ва алоқа	млрд.сў м.	602,1	620,7	761,3	1490,0	430,0	72,1
таълим	млрд.сў м.	19,3	6,8	101,8	141,2	32,0	,7
Соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар	млрд.сў м.	58,8	62,9	182,9	515,4	234,6	5,8
Бошқа фаолият турлари	млрд.сў м.	80,4	181,0	51,9	286,5	1490,3	409
Тураг-жой қурилишига	млрд.сў м.	-	44,0	-	18,1	117,6	

инвестициял ар							
-------------------	--	--	--	--	--	--	--

Республикамизда инвестицион мухитни яхшилашга қаратилган ишлар натижасига бир назар солсак, 2019 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳажми 134 трлн. сўмдан ошикроқни ташкил этган, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46 % га ўсганлиги қузатилган. Корхона ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар улуши эса 28937,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 21,6 %, ахоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 9,8 % ёки 13069,5 млрд сўм ўзлаштирилган.

Худудий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда инвестицияларни жалб қилишнинг асосий воситалари қуидагилар:

- қишлоқ жойларида кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий ноқишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш;
- инвестицион ҳамкорлик муносабатларни яратиш дастурини ишлаб чиқиши;
- мақсадга йўналтирилгани лойиҳалар тақдимотини амалга ошириш ва уларни баҳолаш мпаеханизмларини такомиллаштириш;
- ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва битимларни тузиш ва уларнинг мониторинги олиб бориши;
- маҳаллий, хорижий инвесторларга ва мақсадли лойиҳаларга махсус имтиёзлар, преференциялар бериш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг аҳамияти катта бўлиб, хорижий инвестициялар ва лойиҳалар маблағларини унга йўналтириш меҳнат сифими юқори бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, уларда янги иш ўринларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади. Шу жиҳатдан қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришга ихтисослашган паҳтачилик-тўқимачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзовотчилик, ипакчилик, балиқчилик, агротуризм, дориворшунослик кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Alikabulov S. A. Modifying Additives to Bitumen //International Journal on Orange Technologies. – 2021. – Т. 3. – №. 9. – С. 100-102.
2. Рахимов Б. Б., Шукуруллаев Б. А., Аликабулов Ш. А. Методы исследования и влияние нефтяных остатков на свойства строительного битума //Universum: технические науки. – 2021. – №. 6-3 (87). – С. 88-92.
3. Хамидов Б. Н., Аликабулов Ш. А., Рахимов Б. Б. Сравнительные испытание опытных партий композиционного строительного битума марки бн 90/10 с добавлением экстрактного остатка, нефтешлама и отбеливающей глины для применения в строительных объектах //Universum: технические науки. – 2020. – №. 10-3 (79). – С. 29-31.
4. Аликабулов Ш. А. Влияние добавок на структуру и свойства битумов //Universum: технические науки. – 2021. – №. 10-3 (91). – С. 36-38.
5. Khamidov S. et al. Production and performance tests of axo oil with improved colloidal indicators //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 030008.
6. Алиқобилов Ш. А. и др. ПРИМЕНЕНИЕ КОМПОЗИЦИОННЫХ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ В ФОРМАХ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ СТРОИТЕЛЬНЫХ КОНСТРУКЦИЙ //КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛАР. – С. 169.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.Lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги №ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, қтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доира қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.